

UDK 314:311(575.1)

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AҲОЛИ ТАБИИЙ
ҲАРАКАТИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ**

Б.А.Бегалов

иқтисодийёт фанлари доктори, профессор

З.Юлдашев

*Тошкент ориентал университети,
иқтисодийёт фанлари номзоди*

Д.Б.Бегалова

*Кадрлар малакасини ошириш ва
статистик тадқиқотлар институти,
таянч докторант*

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг табиий ҳаракати – туғилиш, ўлим, никоҳ ва никоҳдан ажралиш жараёнларининг ҳозирги ҳолати статистик маълумотлар асосида чуқур таҳлил қилинган. Тадқиқотда миллий ва халқаро демографик кўрсаткичлар қиёсий усулда ўрганилиб, аҳоли сони динамикасига таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар аниқланган. Шунингдек, глобал демографик ўтиш жараёнлари шароитида Ўзбекистонда кузатилаётган тенденциялар баҳоланиб, аҳоли такрор барпо бўлиши ва ижтимоий барқарорликка доир хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: демография, аҳоли табиий ҳаракати, туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш, статистик таҳлил.

АННОТАЦИЯ. В статье проведён комплексный статистический анализ естественного движения населения Республики Узбекистан, включая процессы рождаемости, смертности, брачности и разводимости. На основе национальных и международных статистических данных выявлены основные тенденции демографического развития и социально-экономические факторы, влияющие на динамику численности населения. Рассмотрены особенности демографического перехода и сформулированы выводы, касающиеся воспроизводства населения и социальной устойчивости.

Ключевые слова: демография, естественное движение населения, рождаемость, смертность, брачность, разводимость, статистический анализ.

ABSTRACT. This article provides a comprehensive statistical analysis of natural population movement in the Republic of Uzbekistan, including fertility, mortality, marriage and divorce processes. Based on national and international statistical data, the study examines current demographic trends and identifies key socio-economic factors influencing population dynamics. The research also evaluates Uzbekistan's demographic development within the context of global demographic transition and formulates conclusions regarding population reproduction and social stability.

Key words: demography, natural population movement, fertility, mortality, marriage, divorce, statistical analysis.

КИРИШ

Маълумки, статистиканинг асосий бўғинларидан бири демография ҳисобланади. Демография – аҳолини, асосан уларнинг миқдори, таркиби ва ривожланишини илмий ўрганиш бўлиб, ўзида аҳолининг асосий хусусиятларини миқдор жиҳатидан мужассамлаштиради.

Аҳолининг мавжудлик қонуниятларини, табиий ва механик ҳаракатини, такрор барпо бўлиши ҳамда аҳоли сонини ҳисобини юритиш, ижтимоий-иқтисодий шароитларга боғлиқ ҳолда ўрганади. Демографик назарий билимлар иқтисодиётнинг турли соҳаларида муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Жумладан, давлат бошқарув органлари (меҳнат, демография, статистика, иқтисодиёт, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимлари), олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасаларида ушбу соҳа мутахассисларига талаб катта.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Аҳоли табиий ҳаракатини статистик жиҳатдан ўрганиш демография ва ижтимоий-иқтисодий таҳлилнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Мазкур соҳадаги илмий адабиётларда аҳолининг такрор барпо бўлиши, туғилиш ва ўлим даражаларининг динамикаси, шунингдек, никоҳ ва ажралиш жараёнларининг ижтимоий моҳияти кенг ёритилган. Айниқса, миллий статистика тизимини такомиллаштириш, демографик маълумотларни рақамли технологиялар асосида таҳлил қилиш масалаларига бағишланган тадқиқотлар замонавий илмий ёндашувларни шакллантирган. Халқаро манбаларда демографик ўтиш назарияси, аҳолининг қариши ва меҳнат бозорига таъсир этувчи демографик омиллар устувор йўналиш сифатида қаралади. Ўзбекистон олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларда эса миллий демографик хусусиятлар, ҳудудий тафовутлар ва ижтимоий барқарорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.


ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқот жараёнида расмий статистик маълумотлар, жумладан, миллий статистика органлари ва халқаро ташкилотлар ҳисоботлари асосий ахборот манбаи сифатида фойдаланилди. Таҳлилда қиёсий статистик усул, динамик қаторлар таҳлили, нисбий ва ўртача кўрсаткичлар ҳисоб-китоби, шунингдек, график ва жадвалли тақдимот усуллари қўлланилди. Демографик жараёнларни чуқурроқ англаш мақсадида минтақавий ва халқаро таққослашлар амалга оширилди. Методологик ёндашув аҳолининг табиий ҳаракати кўрсаткичларини комплекс баҳолаш имконини берди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Туғилишнинг ҳозирги вазияти. *Репродуктив (фертил) давр* – аёлнинг туғиш лаёқатига эга бўлган (15 дан 49 ёшгача) даври. Туғилиш даражасини таҳлил қилиш учун икки хил маълумотлар асос бўлади.

Биринчиси, бу туғилганлар мутлақ сони, онанинг ёши, никоҳлилиги, туғилишнинг тартиб рақами, иккинчиси, ушбу сонлар таққосланадиган аҳоли гуруҳларининг мутлақ сони (жами аҳоли, репродуктив ёшдаги аёллар, репродуктив даврдаги аёлларнинг ёш гуруҳлари). Мазкур ахборот асосида туғилиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими намоён бўлади.



1-расм. 35-40 миллион аҳоли сонига эга бўлган давлатларда туғилиш даражаси[11]

Туғилишга оид маълумотларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилишда бўйлама ва кўндаланг таҳлил, яъни реал ва шартли авлодлар усулларидан

фойдаланилади. Самарали ижтимоий-иқтисодий режалаштириш туғилиш, ўлим ва аҳоли сони тўғрисида статистик маълумотларни талаб қилади. Муайян мамлакатда туғилиш даражаси ҳолатини тушуниш учун ички ва халқаро маълумотларни таққослаш керак.

Аввал айтиб ўтганимиздек, агар туғилишнинг умумий даражаси 40 промилледан ошса, мамлакатда туғилиш даражаси юқори деб ҳисобланади. 35-40 миллион аҳолига эга давлатларда туғилишнинг юқори даражаси кузатилмайди.

Аҳолиси сони 35-40 миллион бўлган мамлакатлар таҳлил қилинганда улар орасида туғилишнинг энг паст даражаси Полша ва Украинада кузатилмоқда.

Туғилиш даражасига таъсир этувчи омиллар фақат биологик ёки демографик хусусиятлар билан чекланиб қолмайди. Таълим даражаси, урбанизация, оила институтидаги ўзгаришлар ва меҳнат бозоридаги ҳолат ҳам аҳолининг репродуктив хулқ-атвориға таъсир кўрсатади.

Дунёнинг турли минтақаларида туғилишнинг умумий коэффициентида кенг фарқ мавжуд бўлиб БМТнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2100-йилга келиб дунёнинг барча мамлакатларида туғилишнинг умумий коэффициенти аҳолининг оддий кўпайиш коэффициентиға камаяди.

Туғилишлар сони маълум ҳудуддаги туғиш (фертил) ёшидаги аёллар сонига бевосита боғлиқ ҳисобланади. Агар туғиш ёшидаги аҳоли сони кўп бўлса демак болалар сони ҳам пропорционал равишда кўпроқ туғилиши мумкин.

Таҳлил натижаларига кўра, сўнгги етмиш йил ичида дунё бўйича туғилиш даражаси барқарор пасайиш тенденциясига эга бўлиб, 1950 йилларда тахминан 5 нафарни ташкил этган кўрсаткич 2022 йилга келиб 2,3-2,4 нафаргача тушган. Бу ҳолат глобал миқёсда демографик ўтиш жараёнининг фаол кечаётганини кўрсатади.

Минтақалар кесимида энг юқори туғилиш даражаси Африка қитъасига тўғри келади. 1950 йилларда Африкада туғилиш коэффициенти 6,5-7 нафар атрофида бўлган бўлса, 2022 йилга келиб ушбу кўрсаткич пасайганиға қарамасдан 4 нафардан юқори даражада сақланиб қолмоқда. Бу эса мазкур минтақада демографик ўтиш жараёнининг нисбатан секин кечаётганини, таълим даражаси, шаҳарлашув ва аёллар бандлигининг таъсири ҳали тўлиқ намоён бўлмаганини англатади.

Осиё минтақасида эса туғилиш даражасининг кескин пасайиши кузатилади. 1950 йилларда 5-6 нафарни ташкил этган кўрсаткич 1980-2000 йиллар оралиғида жадал суръатларда камайиб, ҳозирги кунда алмаштириш даражасидан паст кўрсаткичға тушган. Бу жараёнда Хитой, Япония, Жанубий Корея ва бошқа бир қатор давлатларда олиб борилган демографик ва ижтимоий сиёсат муҳим роль ўйнаган.

Лотин Америкаси ва Кариб денгизи минтақаси демографик ўтишнинг нисбатан муваффақиятли намунасини кўрсатади. Ушбу ҳудудда туғилиш даражаси 1950 йилларда юқори бўлган бўлса-да, кейинги ўн йилликларда изчил пасайиб, 2000 йиллардан кейин алмаштириш даражасига яқинлашган.

Европа минтақаси эса туғилиш даражаси энг паст бўлган ҳудуд сифатида ажралиб туради. 1970 йиллардан бошлаб ушбу кўрсаткич алмаштириш даражасидан пастга тушган ва ҳозирги кунда ҳам паст даражада сақланиб қолмоқда. Бу аҳолининг қариши, меҳнат бозорида ишчи кучи танқислиги ва миграция жараёнларининг аҳамияти ошишига олиб келмоқда.

Шимолий Америка ва Океания минтақаларида узок вақт давомида туғилиш даражаси нисбатан барқарор бўлган бўлса-да, сўнгги йилларда ушбу ҳудудларда ҳам пасайиш тенденцияси кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудлари миқёсида туғилишлар сони динамикаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатнинг барча ҳудудларида туғилганлар сонининг барқарор ўсиш тенденцияси кузатилмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича туғилганлар сони

(*дастлабки маълумотлар)[15]

	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.*
Ўзбекистон Республикаси	768520	814960	841817	905211	932217	961962	926422	879599
Қорақалпоғистон Республикаси	40108	41137	39286	40272	42835	44021	41641	39277
Андижон	72387	77603	81425	84664	86506	89400	86305	79672
Бухоро	40338	41141	41555	43173	45058	46617	46067	43654
Жиззах	33801	36457	38118	41313	40743	40875	38561	37393
Қашқадарё	81919	86728	90330	97079	98279	101852	100909	99656
Навоий	21595	22770	23888	26576	26274	26805	25763	24127
Наманган	66490	71830	74720	79968	82330	84496	81930	75689
Самарқанд	98909	100656	101414	110455	111505	113986	110865	106266
Сурхондарё	68259	72680	74658	80975	81547	87695	84054	81885
Сирдарё	18349	20744	21053	23244	23320	23229	22113	21042
Тошкент	59300	64086	65954	72659	73556	73171	69576	64245
Фарғона	81414	87751	93037	99146	101308	106497	103062	98319
Хоразм	40103	41092	41978	42653	44920	48301	47423	46056
Тошкент ш.	45548	50285	54401	63034	74036	75017	68153	62318

Шуниси эътиборга лойикки, аҳолиси юқори бўлган ҳудудларда туғилиш даражаси ҳам юқори. Шундай қилиб, Самарқанд вилоятида 2025- йилда туғилишнинг энг кўп сони қайд этилди (106,3 минг киши), бу умумий туғилишлар сонининг 12,1% ни ташкил этади:

$$\text{Samarqand viloyatining ulushi} = \frac{106\,266}{879\,599} \times 100\% = 12,1\%$$

Шунингдек, Қашқадарё (99,7 минг киши) ва Фарғона (98,3 минг киши) вилоятларида ҳам туғилишлар сони бошқа ҳудудларга нисбатан юқори қайд этди.

Туғилишнинг энг кам сони Сирдарё вилоятида қайд этилиб, 21,0 минг кишини ёки мамлакатдаги туғилишлар умумий сонининг 2,4 фоизини ташкил этди:

$$\text{Sirdaryo viloyatining ulushi} = \frac{21\,042}{879\,599} \times 100\% = 2,4\%$$

Навоий вилоятида (24,1 минг киши) ҳам бошқа ҳудудларга нисбатан туғилишнинг кам даражаси қайд этилди.


Замонавий демографик жараёнларда кўп ҳолларда болалар сонидан кўра, уларнинг тарбияси ва таълимига эътибор кучаймоқда. Бу эса оилаларнинг репродуктив қарорларига таъсир кўрсатиб, туғилиш даражасининг пасайишига олиб келади. Шу билан бирга, аҳоли сонининг ўзгариши қисқа муддатда эмас, балки маълум вақт ўтиб намоён бўлади. Ҳатто туғилиш кўрсаткичлари пасайган тақдирда ҳам, аввалги йилларда туғилган ёш авлод ҳисобига аҳоли сони маълум давр мобайнида ўсишда давом этиши мумкин. Бу ҳолат демографияда инерция таъсири сифатида изоҳланади.

Ўлимнинг ҳозирги вазияти. Ўлим исталмаган ҳодиса бўлсада, уни таҳлил қилиш мамлакат ва дунёдаги вазиятни тушуниш учун жуда муҳимдир.

Ўлим кўрсаткичлари аҳолининг соғлиқ ҳолати, тиббий хизматлар сифатини, шунингдек, ижтимоий ва иқтисодий шароитларни билвосита акс эттиради. Ушбу кўрсаткич орқали аҳолининг яшаш давомийлиги, ҳавф омиллари ва саломатликка таъсир этувчи муҳитни баҳолаш мумкин.

Туғилиш ҳолатида бўлгани каби, маҳаллий маълумотларни халқаро маълумотлар ва ўлим кўрсаткичлари билан таққослаш керак.

Жаҳон миқёсида ўлим сабабларини ўрганиш орқали аҳолининг саломатлик ҳолатидаги умумий тенденцияларни аниқлаш мумкин. Айрим касалликларнинг улуши пасайиб бораётган бўлса, бошқаларининг аҳамияти ортиб бормоқда.




2-расм. ЖССТ ҳисоб-китоблари бўйича дунёдаги ўлимнинг асосий сабабларига кўра тақсимланиши[12]

Ўлим сабабларини таҳлил қилиш демографик жараёнларни тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Турли касалликлар ва омиллар аҳоли саломатлигига турлича таъсир кўрсатади ва уларнинг улуши вақт ўтиши билан ўзгариб боради.

Ўлимнинг энг кенг тарқалган сабаби юрак ишемияси касаллиги бўлиб, бу дунёдаги ўлимларнинг умумий сонининг 16 фоизини ташкил қилади. 2000-йилдан бери ўлимнинг энг катта ўсиши айнан шу касалликда содир бўлди: 2019-йилга келиб ушбу касалликдан ўлим 2 миллиондан ортиқ ҳолатга ошди ва 8,9 миллион ҳолатга етди. Инсулт ва сурункали обструктив ўпка касаллиги ўлимнинг иккинчи ва учинчи сабаблари бўлиб, ўлимларнинг умумий сонининг мос равишда тахминан 11 фоиз ва 6 фоизини ташкил қилади.

Дунёда ичак инфекцияларидан ўлим сезиларли даражада камайди, яъни 2000-йилдаги 2,6 млн ҳолатдан 2019-йилда 1,5 млн ҳолатга қадар. Буйрак касалликлари ўн учинчи ўриндан ўнинчи ўринга кўтарилди. Ушбу касалликлардан ўлим 2000-йилдаги 813 минг ҳолатдан 2019-йилда 1,3 млн.га ошди.



3-расм. 35-40 миллион аҳоли сонига эга бўлган давлатларда ўлим даражаси[11]

Бир ҳудуддаги ўлим даражаси тўғрисида хулоса чиқаришда, уни бошқа мамлакатлар ёки минтақалар билан солиштириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки турли давлатларда аҳолининг ёш таркиби, соғлиқни сақлаш тизими ва турмуш даражаси ўртасида катта фарқлар мавжуд.

Таҳлил қилинаётган мамлакатлар орасида энг паст ўлим даражаси Саудия Арабистонида кузатилмоқда ва 2,3 промиллега тенг. Ўзбекистон Республикаси 35-40 миллион аҳолига эга давлатлар орасида нисбатан яхши кўрсаткичга эга. Жумладан, Ўзбекистонда 1000 аҳолига тўғри келадиган ўлим даражаси 4,7 промилле. Ўлимнинг энг юқори даражаси Полша (11,1 промилле) ва Украинада (13,1 промилле) кузатилган.

Ўзбекистон Республикасида узоқ вақт давомида ўлим кўрсаткичлари пастлиги кузатилган. 2016-йилдан 2025-йилга қадар энг юқори ўлим даражаси 2020-йилда 5,1 промилле кўрсаткичи билан қайд этилган.

Албатта буни бевосита ўша даврдаги дунёда авж олган коронавирус касаллиги билан бевосита боғлаш мумкин, чунки ўша даврда нафақат Ўзбекистон балки жаҳондаги барча давлатларда коронавирус билан боғлиқ ҳолда ўлим ҳолатлари кўпайган.

Республика ҳудудлари орасида ўлим даражаси энг юқори Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кузатилмоқда. Бошқа минтақаларда улар тахминан бир хил даражада (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлар бўйича ўлим коэффициенти
(1000 аҳолига нисбатан, промилле, *дастлабки маълумотлар)[15]

Ҳудудлар номи	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.*
Ўзбекистон Республикаси	4,7	4,6	5,1	5,0	4,8	4,7	4,7	4,7
Қорақалпоғистон Республикаси	4,6	4,5	4,8	4,5	4,9	5,1	5,1	5,1
Андижон	5,1	4,7	5,0	5,1	4,7	4,7	5,2	4,9
Бухоро	4,2	4,4	5,2	4,7	4,5	4,3	4,7	4,5
Жиззах	4,2	4,0	4,3	4,2	4,6	4,6	4,1	4,1
Қашқадарё	4,1	3,9	4,2	4,4	4,9	4,7	4,3	4,3
Навоий	4,3	4,4	5,0	4,7	4,0	4,3	4,5	4,3
Наманган	4,5	4,5	4,8	4,7	4,5	4,6	4,6	4,5
Самарқанд	4,3	4,3	4,7	4,7	4,7	4,7	4,4	4,5
Сурхондарё	4,2	4,1	4,5	4,7	5,0	4,8	4,3	4,3
Сирдарё	4,6	4,6	4,6	4,8	4,8	5,1	4,8	4,9
Тошкент	5,7	5,5	6,2	6,2	5,0	5,1	5,3	5,4
Фарғона	4,6	4,6	4,9	4,8	4,7	4,6	4,4	4,5
Хоразм	4,5	4,6	5,1	5,0	4,9	4,6	4,5	4,6
Тошкент ш.	6,3	6,1	8,0	6,7	5,7	5,2	5,4	5,4

Ўлим сабаблари статик эмас, балки тарихий ва ижтимоий ўзгаришлар таъсирида шаклланади. Тиббиёт тараққиёти, турмуш тарзидаги ўзгаришлар ва атроф-муҳит омиллари ўлим таркибига бевосита таъсир кўрсатади.

Ўлимни алоҳида кўрсаткич сифатида эмас, балки туғилиш, миграция ва аҳолининг ёш таркиби билан ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади. Фақат шу тарзда демографик жараёнларнинг умумий манзарасини тўлиқ тасаввур қилиш мумкин.

Никоҳ ва никоҳдан ажралишларнинг ҳозирги вазияти. Замонавий Ғарб мамлакатларида оила аъзолари сонининг камайиши кузатилмоқда, бунинг сабаблари туғилишнинг пасайиши ва оиланинг нуклеаризацияси. Биринчи никоҳнинг ўртача ёши ҳам ўсиб бормоқда.

Никоҳ институтининг мазмуни ҳам ўзгариб бормоқда. Кўплаб жамиятларда никоҳ эндиликда фақат иқтисодий ёки ижтимоий зарурат сифатида эмас, балки шахсий танлов ва ўзаро мосликка асосланган қарор сифатида қабул қилинмоқда.

Никоҳ ёшининг кечикиши ва оила аъзолари сонининг камайиши айрим ҳолатларда никоҳ барқарорлигига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Оилавий муносабатлардаги кутилмалар ўзгариши никоҳдан ажралиш ҳолатларига таъсир этувчи омиллардан бири сифатида қаралади.


Шаҳарлашув жараёнлари, таълим олиш муддатининг узайиши ва меҳнат бозоридаги рақобат никоҳ қарорларига таъсир кўрсатмоқда. Бу омиллар оила

қуришни кейинроқ босқичга суришга олиб келмоқда. Биринчи никоҳда аёлнинг ўртача ёши ҳар хил ёшдаги ўртача бирлик (50 ёш билан чекланган) бўлиб, тегишли ёшдаги никоҳ коэффициентларини фақат биринчи никоҳлар учун бирлик сифатида ишлатилади.

Ушбу кўрсаткич аёлларнинг биринчи никоҳга кириш вақтидаги хулқ-атворини баҳолашга хизмат қилади ва такрорий никоҳлар таъсирини истисно қилган ҳолда ҳисобланади. Натижада олинган ўртача ёш кўрсаткичи жамиятда никоҳга кириш тенденцияларини, оила қуриш қарорларининг кечикиши ёки тезлашишини таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, мазкур кўрсаткич турли мамлакатлар ва ҳудудлар кесимида никоҳга кириш ёшини солиштириш учун қулай демографик индикатор ҳисобланади.

Биринчи турмуш қурган пайтдаги аёлнинг ўртача ёши кўрсаткичи дунёнинг турли давлатлари бўйича солиштириганда, нисбатан юқори кўрсаткичлар ривожланган ва иқтисодий фаровон давлатларда қайд этилган – Испанияда бу кўрсаткич 34,3 ёшни ташкил этса, Германияда 32,3 ёш ва Швейцарияда 30,3 ёшни ташкил этган. Америка Қўшма Штатларида ҳам бу кўрсаткич дунёнинг кўп давлатларига қараганда юқори бўлиб, 28,6 ёшни ташкил этган.




4-расм. Биринчи турмуш қурган пайтдаги аёлнинг ўртача ёши[13]
(2021- йил учун)

2021-йилда Ўзбекистонда биринчи турмуш қурган аёлларнинг ўртача ёши 22,2 ёшни ташкил этди.

Дунёнинг таҳлил қилинган мамлакатларининг 2021-йилда биринчи никоҳда эркакнинг ўртача ёши бўйича тақсимланиши ушбу мамлакатларнинг

биринчи никоҳда аёлнинг ёшига қараб тақсимланиши билан деярли бир хил (5-расм).



**5-расм. Биринчи турмуш қурган эркекларнинг ўртача ёши[13],
(2021- йил учун)**

Испания бу ерда ҳам 36,3 йил кўрсаткичи билан биринчи ўринни эгаллайди. Шундай қилиб, Испанияда биринчи никоҳда бўлган эркекнинг ўртача ёши биринчи никоҳда бўлган аёлнинг ўртача ёшидан 1,9 ёшга юқори.


Туркменистон 25,8 ёш кўрсаткичи билан ушбу рўйхатда охириги ўринда. Бироқ, эркек ва аёл ўртасидаги ёш фарқига кўра, у (1,7 ёш) етакчи ўринни эгаллайди.

Биринчи никоҳга киришда эркек ва аёл ўртасидаги кичик ёш фарқи шунингдек Швейцарияда (1,9 ёш) ва Испанияда (2,0 ёш) қайд этилган.

Келтирилган мисоллар никоҳга кириш ёшининг мамлакатлар кесимида сезиларли даражада фарқ қилишини кўрсатади. Бу фарқлар маданий анъаналар, ижтимоий кадриятлар ва иқтисодий шароитлар билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади.

Никоҳ ёшининг кечикиши ва никоҳлар сонининг камайиши аҳолининг репродуктив хулқ-атвориға бевосита таъсир кўрсатади. Бу жараёнлар туғилиш даражаси ва аҳолининг ёш таркибидаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Дунёда никоҳнинг ўртача ёши ўсиб бораётгани билан бирга, рўйхатдан ўтган никоҳлар сони камаймоқда, Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган никоҳлар сони ҳали ҳам юқори (6-расм).



6-расм. Қайд этилган никоҳлар динамикаси[15]

Графикда 2016-йилда қайд этилган никоҳлар сони пасайган, кейинчалик уларнинг сони яна кўпайиб 306,2 минг донага етган. Қайд этилган никоҳларнинг чўққиси 2018-йилда 311,4 минг дона билан содир бўлган. 2021-йилдан 2025-йилгача пасайиш кузатилмоқда.


Ушбу тенденциялар никоҳ институтининг мазмуни ўзгариб бораётганини кўрсатади. Никоҳ қарорлари тобора кечиктирилмоқда ва бу ҳолат таълим олиш муддатининг узайиши, меҳнат бозорида барқарорликка интилиш ҳамда шахсий ривожланишга устувор аҳамият берилиши билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Шу билан бирга, никоҳлар сонининг камайиши ҳар доим оила институти заифлашаётганини аңлатмайди, балки никоҳга қиришдаги ёндашувлар ўзгариб бораётганидан далолат беради.

Замонавий жамиятда оила институтида юз бераётган ўзгаришлар, айниқса никоҳдан ажралиш ҳолатларининг ўсиши билан намоён бўлмоқда. Шу сабабли, ажралишлар сонини демографик усуллар асосида таҳлил қилиш аҳолининг ижтимоий ва оилавий жараёнларини чуқур ўрганиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида қайд этилган ажралишларга нисбатан бироз бошқача тенденция кузатилмоқда (7-расм). Хусусан, қайд этилган ажралишларнинг энг кам сони 2013-йилда қайд этилган. Бундан ташқари, барқарор тенденция мавжуд, аммо 2021-2022- йилларда қайд этилган ажралишлар сонининг кескин ўсиши кузатилди. 2023-2025-йилларда эса кескинлик кузатилмайди.

Таҳлилларга кўра, сўнгги ўн йилликда никоҳдан ажралишлар сонининг энг юқори даражаси 2023-йилда қайд этилган бўлиб, 49,2 минг бирликка етган. 2015-2020-йилларда бу кўрсаткич нисбатан паст даражада бўлган,

2020-2021-йилларда кескин ошиш кузатилган. 2025-йилда бу кўрсаткич 46,9 минг бирликни ташкил этди.



7-расм. Қайд этилган никоҳдан ажралишлар динамикаси[15]


2023- йилда дунёнинг турли давлатларида ҳар 1000 аҳолига ажралиш коэффициенти куйидаги графикда акс этирилган (8-расм). Маълумотлар асосида қилинган таҳлилга кўра, 2023- йилда дунёда ажралишлар даражаси энг юқори бўлган давлатлардан бири Молдова бўлиб, ҳар 1000 кишига 3,9 та ажралиш кўрсаткичи қайд этилган. Грузия ва Беларусь ажралишлар сони бўйича дунёда юқори ўринларда туради: ҳар 1000 кишига 3,7 та ажралиш. Латвия (2,8), Коста-Рика (2,6) ва Литва (2,5) давлатларида ҳам нисбатан юқори кўрсаткичлар қайд этилган. Охириги 5 йилда мамлакатларда ажралишлар сони камайиб бормоқда, бу умумбашарий тенденциядир.

Ажралиш даражаси энг паст бўлган мамлакатлар қаторига Мўғулистон, Италия, Ўзбекистон ва Хорватияларни келтириш мумкин.

Ўзбекистонда 1000 кишига тўғри келадиган ажралишлар сони жаҳон даражасидан паст, бу ижобий тенденция.

Ажралиш коэффициенти аҳоли демографиясида оилавий барқарорлик ва ижтимоий муносабатларни баҳолашда муҳим демографик индикатор сифатида қаралади ва у ҳар 1000 аҳолига тўғри келадиган ажралишлар сони орқали ифодаланади. Бу кўрсаткич фақат ажралишлар жиҳатидан маълумот беради, лекин оила сифати ва шахсий муносабатларнинг самарадорлигини тўлиқ акс эттирмайди, шу боис таҳлилда уни никоҳ ёши, туғилиш коэффициенти ва бошқа ижтимоий параметрлар билан бирга қараш тавсия этилади.

Шу билан бирга, ажралиш коэффиценти мамлакатлардаги маданий кадриятлар, иқтисодий шароит ва ижтимоий сиёсатлар таъсирини ҳам акс эттириб, аҳоли орасида оилавий муносабатларнинг ўзгариши ва тенденцияларини яхшироқ тушуниш имконини беради.



8-расм. 2023-йилда ҳар 1000 аҳолига ажралиш коэффиценти[14]
(процент)

Халқаро таққослашлар ажралиш жараёнларининг мамлакатлар кесимида бир хил кечмаслигини кўрсатади. Маданий кадриятлар, ҳуқуқий тартибга солиш ва оила институтига бўлган жамият муносабати ушбу фарқларни шакллантиради. Ўзбекистонда ажралиш даражасининг нисбатан паст бўлиши оилавий муносабатларни сақлашга қаратилган ижтимоий ва маънавий омилларнинг ҳали ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини англатади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Таҳлил натижалари Ўзбекистон Республикасида аҳоли табиий ҳаракатида барқарор ижобий тенденциялар мавжудлигини кўрсатди. Туғилиш даражаси ҳудудлар кесимида фарқланса-да, умумий ҳолатда аҳоли сони ўсишда давом этмоқда. Ўлим даражасининг нисбатан пастлиги соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар самараси билан изоҳланади. Шу билан бирга, никоҳ ёшининг кечикиши ва ажралишлар сонидagi ўзгаришлар ижтимоий муносабатлар трансформациясини акс эттиради.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, демографик сиёсатни ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш, аҳоли саломатлиги ва оила институтини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни

кучайтириш, шунингдек, демографик статистикани рақамли платформалар асосида янада ривожлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев Ё.А. Статистика назарияси. Т.: Ўқитувчи, 2002. Б.124.
2. Абдурахмонов Қ.Х., Абдураманов Х.Х. – Демография. Ношир, Тошкент-2011. Б.140.
3. Бегалов Б.А., Дадабаева Р.А. «Рақамли стратегия ва ахборот тизимлари» / Дарслик. – Т.: «Иқтисодиёт», 2024. Б.248.
4. Бегалов Б.А., Одилов Ш.Ф., Джанадилов Ш.Ў. «Статистика фаолиятида рақамли технологиялар»: Ўқув қулланма / Т.: «Иқтисодиёт». 2023. Б.201.
5. Бегалов Б.А., Мамадалиев О.Т. Реформы в сфере статистики Республики Узбекистан: результаты и перспективы развития. Журнал “Статистика и экономика”, №1, 2021 г., 4-13 с.
6. Божко В.П., Лури А.В., Сычев У.Б. Совершенствование процессов проведения статистических переписей и обследований, Монография / Под ред. докт. экон. наук, проф. Божко В.П.М.: МЭСИ. – 2008. – с.129.
7. Мелкумов Я.С. Социально-экономическая статистика: Учебное пособие.М.:ИНФРА-М, 2008. С.74.
8. Begalov B.A., Mamadaliyev O.T., Abdusalomova N.B. Issues for Reforming the National Statistical System in the Country: In Case of Republic of Uzbekistan. Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN: 2249 – 0892 Special Issue–03, Mar - 2023.
9. Kenneth C. Jane P. Management information systems. Managing the Digital Firm. Printed and bound by Courier Kendalville in United States of America. Pearson Education Limited 2016. P.675.
10. Laudon K., Laudon J. Management Information Systems: Managing the Digital Firm, Global Edition 17th Edition. - Pearson, 2021. 648 p.
11. <https://worldpopulationreview.com/countries>
12. <https://data.worldbank.org/indicator/SP.DYN.CBRT.IN>
13. <https://w3.unece.org/PXWeb/en/Table?IndicatorCode=300>
14. https://en.wikipedia.org/wiki/List_of_countries_by_marriage_and_divorce_rates
15. www.stat.uz